



ISSN 2181-1571



FarDU. ILMIY XABARLAR

**Scientific journal
of the
Fergana State
University**



6/2021

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

А.Хасанов, Ё.Толашева

Аппелнинг $F_1(a; b_1, b_2; c; x, y)$ гипергеометрик функциялари таърифидан келиб чиқадиган функционал муносабатлар 6

М.Исмоилов, З.Кўпайсинова

Параболо-гиперболик типдаги модел тенглама учун нолокал масала 15

Т.Тулқинбоев

Айрим хусусий ҳосилали дифференциал тенгламаларнинг аниқ ечимларини тадқиқ этиш 22

КИМЁ

Л.Аблакулов, А.Икрамов, О.Зиядуллаев, Д.Отақўзиев

Магний органик бирикмалар асосида ароматик ацетилен спиртлари синтези 26

Т.Амирова, А.Ибрагимов, А.Иброхимов

Марғилон ипагини кимёвий таркибини ўрганиш 32

И.Аскарлов, Х.Исаков, М.Муминжонов, А.Жураев, Н.Абдурахимова

Тарвуз чиқиндиларининг кимёвий таркиби ва халқ табобатидаги аҳамияти 36

Д.Ҳайдарова, И.Аскарлов, Ш.Абдуллаев, М.Муминжонов

Кўкамарон ўсимлиги асосида халқ табобатида ишлатиладиган озиқ- овқат қўшилмаларини тайёрлаш ва синфлаш 40

И.Аскарлов, М.Муминжонов

Тарвуз ва қовун чиқиндиларининг кимёвий таркиби 43

И.Аскарлов, Д.Хасанова, Г.Умарова, У.Туланова, Д.Зокиржонова

Муҳим антиоксидантларнинг кимёвий хоссалари ва озиқ-овқат саноатидаги аҳамияти 47

И.Аскарлов, Г.Мамазокирова, М.Акбарова, Н.Атакулова, А.Одилжонов

Тухум пўстлогидан озиқ-овқат қўшилмаларини тайёрлаш 50

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

Қ.Сулаймонов

Ўзбекистон демократик тараққиётининг янги босқичида халқ қабулхоналари полифункционал фаолиятини такомиллаштириш зарурияти 53

И.Сиддиқов

Ўрта аср шарқ алломаларининг гносеологик ва теологик қарашларининг қиёсий индукцияси 58

Ш.Аббосова

Оқилона ҳуқуқий сиёсат изчил ислохотлар негизида 65

С.Холиқов

Ўзбекистон республикаси олий мажлисининг миллий хавфсизликни таъминлаш фаолияти бўйича самарадорлигини ошириш истиқболлари 69

А.Юлдашов

Блокчейн воситасида муаллифлик ҳуқуқи муҳофазасини таъминлаш масалалари 73

ТАРИХ

З.Раҳманов

Бир экспонат тарихи 78

А.Маҳмудов

Муҳожирликнинг машаққатли йўли 83

А.Нурматов

Янги Ўзбекистонда камбағалликни қисқартиришга қаратилган ислохотлар жараёни 86

Ғ.Мирзаев

Ўзбекистоннинг марказий осиё мамлакатлари билан экологик хавфсизликни таъминлашдаги ҳамкорлиги: ютуқлар ва муаммолар таҳлили..... 90

Р.Патхиддинов

Ҳазрат айюб минерал булоқлари (XIX аср охири – XX аср биринчи чораги) 98

С.Муртазова

Ўзбек эстрада санъати тарихи ва унинг ёрқин намоёндаси Ботир Зокировнинг ижод ва ҳаёт йўли ҳақида 102

К.Каримов

Туркистонда маҳаллий бошқарув тизимида қозилик маҳкамалари фаолияти тарихидан 106

АДАБИЁТШУНОСЛИК**З.Раҳимов**

“Кўҳна дунё” романида бадиий тўқима образлар талқини 112

М.Таджибаев

Поэтик герменевтиканинг психологик аспекти 115

В.Аҳмедова

Драмаларда қаҳрамонлик модусининг трансформацияси..... 120

Н.Каримова

21 аср рус адабиёти ҳолати 127

ТИЛШУНОСЛИК**А.Мамажонов, Э.Бакирова**

Ўзбек тилида “мураккаб” термини билан аталадиган бирликлар 131

Г.Комилова

Мақоллардаги қадриятлар таҳлилида аксиологик шкалалардан фойдаланиш..... 138

Д.Юлдашева, З.Кенжаева

П.Қодировнинг “Авлодлар довони” асаридаги кийим-кечак ифодаловчи сўзларнинг дискурсив хусусиятлари..... 143

Б.Жалилов

Новербал прецедент феноменлар ва уларнинг ўзбек лингвомаданиятида ифодаланиши 146

Г.Нурматова

Корпус лингвистикасининг тарихий ривожланиши, корпуслар ва млт борасида янгича қарашлар 151

А.Муҳиддинов, Г.Каюмова, Н.Избаева

Ўтмишдан саҳифалар: москва лингвистик мактабининг шаклланиши ва ривожланиш тарихи 154

Н.Мамажонова

Тил дарсларида ўқувчиларининг луғат бойлигини оширишнинг илмий тадқиқи 159

Н.Умарова, Д.Мадазизова

Ёшлар нутқида доир 164

ПЕДАГОГИКА**А.Маткаримов**

Pisa халқаро баҳолаш дастури асосида ўқувчиларда таянч компетенцияларни шакллантиришнинг методологик асослари 167

З.Жарқинов

Бўлажак аниқ фан ўқитувчиларини миллаталараро мулоқотга тайёрлашнинг замонавий педагогик хусусиятлари 175

ИЛМИЙ АХБОРОТ**А.Акбаров, Д.Абдуллаева**

Завол билмас шеърят ёхуд ҳайне лирикасида қуш ва гуллар образи талқини 181

Р.Мамасолиев

Немис тилидаги эргашган қўшма гапларнинг синтаксисда тутган ўрни..... 184

И.Рустамова

Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида ритм ва унинг ўзига хослиги..... 190

Ж.Ҳайитов	
Ўзбекистонда бошоқли (дон) янги экин навларининг тарқалиши тарихи	193
Ў.Мўсинидинова	
Хайриддин Султоннинг портрет яратиш маҳорати	196
И.Маннопов, М.Мусаева	
Шайх худойдод вали ҳаёт йўли	199
А.Абдурахмонов, Д.Уралова	
Улуғбек Ҳамдам ҳикоясида рамзийлик масаласи	202
Д.Умаров	
Ўзбек ҳикоячилигининг илк даври	205
З.Аманова, Э.Гиздулина	
В.Набоков ижодида рус эмиграцияси мавзуси	208
Қ.Сотволдиев	
Антонимларнинг тилдаги роли ва вазифаси	213
М.Бурханова	
Коммуникатив система ва креолизатив-коммуникатив парадигма	217
Х.Максудова	
Ижтимоий тармоқларда эмотив лексика таҳлили	221
Д.Юлдашев	
Расмий мотивли номларнинг ўзгачаликлари	224
И.Порубай	
Қўнғилочар блоглар тилининг баъзи хусусиятлари ҳақида	227
Б.Жалилов	
Новербал прецедент феноменлар ва уларнинг ўзбек лингвомаданиятида ифодаланиши	230

УДК:

ЎЗБЕКИСТОНДА БОШОҚЛИ (ДОН) ЯНГИ ЭКИН НАВЛАРИНИНГ ТАРҚАЛИШИ ТАРИХИ

ИСТОРИЯ РАСПРОСТРАНЕНИЯ НОВЫХ СОРТОВ ЗЕРНОВЫХ КУЛЬТУР В УЗБЕКИСТАНЕ

HISTORY OF THE SPREAD OF NEW VARIETIES OF CEREALS IN UZBEKISTAN

Ҳайитов Жаҳонгир Шодмонович¹

¹Ҳайитов Жаҳонгир Шодмонович

– Бухоро давлат университети “Жаҳон тарихи”
кафедраси (PhD).

Аннотация

Ушбу мақолада совет ҳокимияти ва мустақиллик йилларида Ўзбекистонда донли экин янги навларининг етиштирилиши ва яратилиши устида олиб борилган изланишлар ҳақида илмий адабиётларнинг қиёсий таҳлили ҳамда Ўзбекистон Миллий архиви материаллари асосида фикр-мулоҳазалар юритилган.

Аннотация

В статье дается сравнительный анализ литературы по выращиванию новых сортов зерновых и созданию новых сортов в Узбекистане за годы советской власти и независимости, а также даны комментарии к материалам Национального архива Узбекистана.

Аннотация

This article provides a comparative analysis of the literature on the cultivation of new varieties of cereals and their research on the creation of new varieties in Uzbekistan during the years of Soviet rule and independence, and comments on the materials of the National Archives of Uzbekistan.

Таянч сўз ва иборалар: донли экин, буғдой, шоли, сули, мош, арпа, тарик, маккажўхори, хамирли таом, суғорма деҳқончилик, лалмикор деҳқончилик, Купава, Карошка, Половчанка, Уманка, Краснодарская-99, янги нав, сорт.

Ключевые слова и выражения: крупы, пшеница, рис, овес, маш, ячмень, пшено, кукуруза, выпечка, орошаемое земледелие, сухое земледелие, Купава, Карошка, Половчанка, Уманька, Краснодарская-99, новый сорт, сорт.

Key words and expressions: grain crops, wheat, rice, oats, mung beans, barley, millet, corn, batch, irrigated agriculture, rainfed agriculture, Kupava, Karoshka, Polovchanka, Umangka, Krasnodarskaya-99, a new variety, the variety.

Бошоқли (дон) экинлар етиштириш Марказий Осиёда қадимдан анъанавий деҳқончилик соҳаси бўлиб, қишлоқ хўжалиги учун ажратилган ер фондларининг асосий қисмини аҳоли озиқ-овқатининг муҳим манбаи бўлган донли экинлар ташкил этган. Шу сабабли минтақамиз аҳолисининг озиқ-овқатида хамирли таомлар истеъмоли асосий ўринда туради.

Манбалар буғдой ва бошқа донли экинлар XIX аср охирида ўлкамиздаги ер фондларининг катта қисмини банд қилганлиги ҳақида маълумот беради. Бошоқли экинлар орасида буғдой асосий роль ўйнаб, ушбу донли экин минтақанинг водий ва воҳаларида, тоғ ва тоғ олди ҳудудларида етиштирилган. Буғдой сунъий сугоришга асосланган ерларда, қоқлама деҳқончилик ва лалмикор майдонларда экилиб, лалмикор экишда кўп

жиҳатдан ҳосилдорлик йиллик ёмғир миқдорида боғлиқ бўлади.

Азалдан етиштириб келинаётган донли ёхуд бошоқли экинлар ҳисобланган буғдой, арпа, гуруч, сули, тарик, маккажўхори, зиғир, кунжут, мош кабиларнинг ҳосилдорлик даражаси ва сувни тежаш ҳолати кабилар, ички ва ташқи бозорда уларнинг нарх-навоси, шунингдек, маҳаллий иқлим шароитларидан келиб чиқиб, ҳосилдор навларни саралаб, янги ерларга экиш тажрибаси қўлланилиб келинган.[6.]

Донли экинлар орасида буғдой асосий ўринни эгаллаб, Республикамиз ер майдонларида ҳосилдор, сифатли, касалликларга чидамли, тезпишар навларини саралаб экиш масалалари қишлоқ хўжалиги соҳаси ходимларининг доимий эътиборида бўлиб келмоқда.

Республикаимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида дон ва дуккакли экинлар етиштириш анча орқада қолиб кетган эди. Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи пахтачиликка асосланганлиги донли экинлар етиштиришда мамлакатимиз орқада қолишига олиб келган. 1991 йилда дон ва дуккакли экинлар етиштириш миқдори 940 минг тонна бўлса, 2018 йилга келиб бу кўрсаткич 7-8 млн тоннага етди. Андижон дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти селекционер олимлари донли экин янги навларини яратиш устида илмий тажрибалар ўтказиб, дунёнинг кўплаб ғаллачилик илмий-тадқиқот даргоҳлари билан илмий алоқаларни йўлга қўйиб селекция учун 8 мингдан ортиқ навларни коллекциясини жамлашга эришди. Буғдойнинг чет эл навларини ўлка иқлимига мослашиши ва иқлимлаштириш учун Краснодар ўлкасидан Купава, Карошка, Половчанка, Уманка, Краснодарская-99, Сербия давлатининг “Янги боғ” селекциясига мансуб Рапсодия, Драгана, NS 40S навлари танлаб олиниб мамлакатимиз ҳудудига иқлимлаштирилди. Янги навлар асосида Чиллаки, Андижон-2, Андижон-4, Бобур, Яксарт каби 50 дан ортиқ навлар яратилди ва Республикаимиз ҳудудида районлаштирилди.[3.16.]Кузги ва баҳорги юмшоқ буғдой янги навларини яратиш устида тажриба олиб борган Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти 2014 йилда Ўзбекистон ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти ва халқаро ИКАРДА ташкилоти томонидан тақдим қилинган 1000 дан ортиқ навларни ўрганиб, Крошка ва Санзар-8 навлари асосида “Жасмина” нави яратилган. Бу навнинг ўртача ҳосилдорлиги 80-100 ц/га бўлиб, бўйи 70-80 см, касалликларга чидамли, ётиб қолишга мойил эмас.[2.26.] Суғориладиган ерларда кузги буғдой навларини саралаш ва минтақамиз иқлимига мос навларни танлашда турли буғдой навларини синаш ишлари амалга оширилмоқда. Хусусан, П.П. Лукьяненко номидаги Краснодар Қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот институтида яратилган “Гром” нави совуққа чидамли, касалликларга тез чалинмайдиган, ярим пакана нави келтирилиб иқлимлаштирилган. Бу навнинг ҳосилдорлиги ўртача 64/1 ц/га бўлиб, ушбу навдан андоза олиниб маҳаллий “Таня” нави яратилган. “Грация” нави ҳам юқоридаги

институт тажрибалари асосида яратилган бўлиб, ҳосилдорлиги (64/3 ц/га) юқори, ётиб қолишга чидамли, бўйи 95-100 см, Ўзбекистонда 2009 йилдан давлат нав синовидан ўткан.[4.17-18.]

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигининг чорвачилик тармоғини ривожлантириш учун, чорвага озукабоп экин ҳисобланган маккажўхори такрорий экин сифатида яхши натижа бериши сир эмас. Донининг хусусиятлари ва озукабоплик массаси айниқса фойдалидир. Жўхори беда сингари тупроқ таркибидаги туз миқдорини олишда, бошқа экинлар экиладиган ерлар ҳосилдорлигини оширишда муҳим ўсимликдир. Муҳими шундаки, бошқа донли экинларга қараганда жўхори ҳосилдорлиги нисбатан баланд саналади. Маккажўхори навлари дастлаб Тошкент тажриба станциясида XIX аср охиридан бошлаб иқлимлаштирилди. Дастлаб “Король Филипп”; “Нанероттиолло”, “Секлерь” каби навлар синовдан ўтказилиб, уларнинг вегетация даври аниқланган. Кейинчалик “Кутаиси гибриди”, “Мотто”, “Чиквинтано”, “Коньский зуб” (“От тиши”) оқ жўхори нави ҳам яратилган, шунингдек, Мексика маккажўхорисидан мўл ҳосил олингани манбаларда келтирилади.[5.]

Мустақиллик йилларида маккажўхорининг касалликларга чидамли, ётиб қолишга мойил бўлмаган, ҳосилдорлиги юқори навларини келтириб иқлимлаштириш ишлари янада ривожланиб бормоқда. “Боржа F1” – Испания давлатидан 2011 йилда олиб келинган нав. Бўйи 250-270 см, вегетация даври ўртача 92 кун, ётиб қолишга, касалликлар ва ҳашорот тушишига чидамли, ўртача ҳосилдорлиги 55,9 ц/га. “Вечита (БТ6470)” – Туркияда давлати нави. 2017 йилда давлат реестрига киритилган. Бўйи ўртача 251-275 см, вегетация даври 95-118кун, ҳосилдорлиги 62,5 ц/га, ҳосилдорлиги яхши, касалликларга чидамли. “Делитоп F1” – Нидерландия давлатининг селекцион дурагайи. 2015 йилдан Республикаимизда етиштириш бошланган. Ўртача бўйи 208-308 см, вегетация даври 90-111 кун, ётиб қолиш ва касалликларга чидамли, ҳосилдорлиги 90 ц/га гача етиши мумкин. “Днепровский 181” – Украина селекцион дурагайи. 2015 йилдан бошлаб Фарғона водийси ва Тошкент вилояти ҳудудида экилиши бошланган. Вегетация

даври 82-110 кун, ўртача бўйи 210-295 см, ҳосилдорлиги 51,2-84,0 ц/га, ётиб қолишга чидамли механизм билан ўришга яроқли. “Донана” – Испания давлати дурагай нави бўлиб, 2011 йилда давлат рўйхатига киритилган. Бўйи ўртача 200-220 см, вегетация даври 94 кун, ҳосилдорлиги 57,6 ц/га тенг, ҳашорот ва касалликлар билан зарарланишга чидамли, озучабоплиги юқори. “Максима” – Венгрия давлати селекцион дурагайи. 2017 йилдан Тошкент вилоятида етиштирила бошланган. Бўйи-262 см, пояси бақувват, вегетация даври ўртача 97 кун, ҳосилдорлиги 60,8 ц/га, касалликларга бардошли. “NS 205” – Сербия давлатининг селекцион дурагайи. 2012 йилдан давлат реестрига киритилган. Вегетация даври ўртача 100 кун, ўртача ҳосилдорлиги 47,7 ц/га, озучабоплик даражаси яхши. “ЛГ 3475” – Франция давлатининг дурагайи. 2012 йилда Республикаимиз ҳудудида реестрига киритилган. Ўртача бўйи 290 см, ҳосилдорлиги 45,4-60,4 ц/га, касалликларга чидамли. “ЛГ 3232” – Франция давлатининг дурагайи. 2012 йилда давлат реестрига киритилган. Ўртача ҳосилдорлиги 43 ц/га, вегетация даври 92 кун, бўйи 200-220 см, касалликларга чидамли. “Молдавский 215 АМВ”, “Молдавский 257 СВ” Молдавия навлари, “МВ 531”, “МВ 350” Венгрия навлари, “ПР 39 Г 12”, “ПР 31 Н 27”, “ПР 31 Н 27” Швейцария навлари, шунингдек Маккажўхори илмий тажриба станциясида 2001 йилда яратилган селекцион “Ўзбекистон 420 ВЛ” ва 2012 йилда яратилган, ҳосилдорлиги 58 ц/га, бўйи ўртача 280-300, вегетация даври 105 кун бўлган “Ўзбекистон 300 МВ” навлари кенг далаларда етиштириб келинмоқда.[8.] Мазкур навларнинг ҳосилдорлиги, озучабоплиги, касалликлар ва ҳашорот босишига чидами, шамол ва оғирликдан

ётиб қолишга чидамлилиги каби хусусиятлари, такрорий экин сифатида ердан тўғри ва унумли фойдаланишдаги ўрни Республикаимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ва иқтисодий барқарорликни таъминлашдаги ўрни юқори саналади.

Шоличилик дунёда қишлоқ хўжалигининг асосий экин навларидан ҳисобланиб, айниқса Шарқ мамлакатларида аҳоли истеъмолининг асосий хомашёси ҳисобланади. Дунё шоличилигида экинни кўчатидан етиштириш ҳозирда асосий ўринни эгаллаб, ҳозирги даврда ер юзида етиштирилаётган жами шолининг 95 фоизи кўчат ўтқазиш орқали етиштирилмоқда. Бу эса ҳосилдорликни ошириб уруғни тежаш имкониятини бермоқда. Бундай экишда турида ҳар бир гектарига Ўзбекистон деҳқонлари 65-70 кг уруғ сарфланади. 150 кг уруғ иқтисод қилинади. Жаҳон шоликорлари эса ҳар гектар ерга 30-35 кг ўртача уруғлик сарфлашмоқда. Кўчатдан шоли етиштириш ҳосилдорликни 25-30 фоизгача оширади.[1.7.] Кўчат шоли етиштириш учун шоли экилишидан тахминан бир ой олдин 1 га майдонга 650-700 кг уруғлик сувда ивителиб ерга сепилади.

Бухоро вилояти Ромитан туманининг узоқ ҳудудди ҳисобланган “Қизил Равот” ҳудудида 1965 йилнинг 10 феввалида ЎзССР Бухоро вилояти, Ромитан тумани халқ депутатлари кенгаши қарори билан “Қизил Равот” шоличилик совхози ташкил қилинган эди. Шоли майдонларига Амударёдан сув чиқарилши ва жами 7306 га ер майдони ўзлаштирилиши керак эди.[7.] Бундан кўриниб турибдики, XX асрнинг 60-йилларида Бухоро вилоятининг узоқ ҳудудларида шоли етиштириш масаласи давлат даражасига кўтарилган эди.

Адабиётлар

1. Абдуллаев А., Сатторов М. Кўчат усулида шоли етиштириш // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №7. 2015.
2. Ғайбуллаев Ф. ва б. Бугдойнинг истиқболли “Жасмина” нави // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №7. 2015.
3. Муҳаммад Т. Ғаллакорларга маҳаллий навлар // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №7. 2015.
4. Тиллаев Р. Грация ва Гром ғалла навлари // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №3. 2016.
5. ЎЗРМДА, Р – 2284 – фонд, 1 – рўйхат, 714 – йиғмажилд, 2, 3 – варақлар.
6. ЎЗРМДА, Р-2284 - фонд, 1 – рўйхат, 648 – йиғма жилд, 21 – варақ, 21 – варақ орқа томони.
7. Пешку туман давлат архиви. 4 - фонд, 1 – рўйхат, 437 – йиғма жилд, 163 – варақ.
8. <https://agro-olam.uz/makkajoxori-navlari/>

(Тақризчи: А.Сабирдинов –филология фанлари доктори)